



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
АВТОКОМПОНЕНТ" МЧЖ



Бош директори
Э.Ш. Назиров

10 2022й.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган газсимон Аргонни
(балонларга дамланган холда) маҳсус шартлар асосида етказиб
бериш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: "АВТОКОМПОНЕНТ" МЧЖ

№	ФИО	Должность	Подпись
1	Абдурахманов С.Б	Бош Директор 1-ўринбосари	
2	Гафуров Ш.	Бош Директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари	
3	Рахмонов А.Ж.	Хуқуқшунос	
4	Аминов О.	Молия менежери	
5	Абдурасулов С.У.	Технология, янги лойихалар ва маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи	
6	Абдуллаев М	Сифат назорати бўлими бошлиғи	
7	Ибрагимов С.	Иқтисодчи	

Асака
2022 год

МУНДАРИЖА

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Танловнинг нархига оид қисми.
- IV. Танлов иштирокчиларини баҳолаш қисми.
- V. Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар.	1.1	Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
		1.2	<p style="text-align: center;">Танлов предмети: Корхона ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган газсимон Аргон балонларга дамланган холда (Аргон газообразный с чистотой 99,998%, 40л, 6,2 м3) махсус шартлар асосида етказиб бериш учун.</p>
		1.3	Танловнинг максимал қиймати 1 538 700 000 Бир миллиард беш юз уттиз саккиз миллион етти юз минг сум
		1.4	Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
		1.5	Танлов комиссияси йигилиши шакли – электрон тарзда йигилиш баенлари шахсий электрон имзолар билан шаклланади ва тасдикланади. Шундан сунг автоматик тарзда машлис баёни шаклланади ва электрон тарзда голиб аникланади
2	Танлов ташкилотчиси	2.1	<p>“Автокомпонент” МЧЖ Манзил 170200, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Асака т. Вокзал кучаси 1-үй Маҳаллий етказиб берувчилар учун банк реквизитлари: 1) Банк номи: АТБ “Хамкорбанк” МФО: 00070 Ҳисоб: 20210000700571822001</p>
		2.2	Ташкилотнинг мулоқот қилувчи шахси: Кодиров Г. тел.: (998 97) 832 10 12
		2.3	Танлов Буюртмачи ташкил қилган камидан беш кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади ва электрон тарзда шахсий электрон имзолари билан очилади.
3	Танлов иштирокчилари	3.1	Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
4	Танловни ўтказиш шарти	4.1	<p>Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси куйидагиларни амалга ошириши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш); б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.
		4.2	Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

		<p>қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;</p> <p>Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;</p> <p>солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;</p> <p>имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишида маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.</p> <p>Корупция холатларига йул куймаслик бўйича Буюртмачи номига ариза тақдим килиниши ШАРТ.(5-шакл)</p>	
	4.3	<p>Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:</p> <p>Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;</p> <p>иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.</p>	
5	Танлов тили.	5.1	Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар давлат тилида (истисно тарикасида ёки бошка кулай тилларда) бўлиши мумкин.
6	Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби	6.1	Танлов иштирокчилари, мазкур танлов ҳужжатларининг 1-ИЛОВАСИДА кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон шаклда маҳсус платформага жойлаштириши керак.
		6.2	Танлов иштирокчиларига таклифларни, номер қўйилган, муҳрланган ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда жойлаштириш тавсия қилинади.
		6.3	Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан электрон имзоси билан тасдиқланади ёки баҳо системасида белгиланган тартибда бал куйилади.
		6.4	Танлов иштирокчиси:
			тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;
			тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш мuddати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

		6.5	Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қуидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.
		6.6	Танлов таклифи муҳрланган ва имзоланган холда электрон тарзда тақдим қилинади
		6.7	Танлов хужжатида қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак: танлов предметининг номланиши; иштирокчининг номланиши; буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;
		6.8	Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар: Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йўриқномага илова қилинадиган 6-ШАКЛГА мувофиқ ҳолда.
		6.9	Ишчи орган ушбу йўриқнома талабларига мос равища расмийлаштирилган, танлов таклифлари ни уз шахсий электрон имзоси билан тасдиклайди ва овоз беради.
		6.10	Танлов таклифлари электрон тарзда МАП да қуидаги № _____ ЛОТ учун деб жунатилади.
		6.11	Иштирокчилар танлов таклифлари амал қилиши муддати тақдим қилинган танлов таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 30 кундан ошмаслиги керак.
7	Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш	7.1	<p>Зарур ҳолларда буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор тақлифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Танлов тақлифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Тақлифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.</p> <p>Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.</p>
8	Танлов тақлифлари очиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари	8.1	Эълонда танловни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда танлов тақлифарини баҳолаш бўйича танлов комиссияси танлов иштирокчилари берган тақлифлар бўйича уз овозларини шахсий электрон имзолари оркали очади, танишади ва овоз беради.
		8.2	Танлов иштирокчилари тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов тақлифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

		8.3	Таклифлар буйича электрон маълумотлар очилганда унда барча хужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Тегишли хужжатлар булмаган тақдирда танлов комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.
		8.4	Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.
		8.5	Танлов иштирокчиси тақдим қилган хужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
		8.6	Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов хужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (2-ИЛОВА).
		8.7	Таклиф Қонун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
		8.8	Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлову жеткозмаса, танлову талаблариаг мос бўлмаса, таклифни рад этади.
		8.9	Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.
		8.10	Агар танлов иштирокчилари танлов таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида конвертлар очилган сана бўйича танлов таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
		8.11	Танлов хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
		8.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		8.13	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.
9	Томонлар маъсулияти ва маҳфийликка риоя қилиш	9.1	Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гурӯҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

10	Бошқа шартлар	Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
		Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўйхатини тақдим қилган холда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган холда қатнашишлари мумкин.
		Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин: танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
		Голиб чиқсан тақлиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи маҳсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
11	Шартома тузилиши	Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган танлов ҳужжатлари ва тақлифларида кўрсатилган шартларда тузилади.
		Танлов голиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳираидаги ижроига ўтади. Бунда заҳираидаги ижрочи танлов голиби тақлиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
12	Етказиб берувчи (иш, хизмат курсатувчи) лар учун талаблар	Махсулотни (Аргон гази дамланган балонлар ва бушаган буш балонлар) олиб кетиш ва олиб келиш харажатлари хизмат курсатувчи томонидан копланади. Транспорт воситасида олиб келади ва олиб кетади.
		Етказиб берувчи томонидан камида 300 та баллон ҳеч кандай ижара шартларисиз фойдаланиш учун берилади.
		Туловлар махсулот етказиб берилшандан сунг хар бир партиясининг 15 фоизи утказиб берилади. Колган кисми 30 куни ичida утказилади.

II. ТАНЛОВНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ (Файл очилсин ва ТТ тулик куринади)

III. Тулов шартларига оид кисми

Молиялаш манбаи	
Тулов муддати	
Тулов валютаси	
Етказиб бериш муддати	
Таклиф амал килиш муддати	

МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ

- 1) Танловда иштирок этиш учун ариза (*1-шакл*).
- 2) Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартомалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати (*2-шакл*).
- 3) Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (*3-шакл*).
- 4) Иш тажрибаси (*4-шакл*).
- 5) Нархга оид таклиф (*5-шакл*).
- 6) Техник кўрсаткичлар бўйича қиёсий жадвал (*6-шакл*);
- 7) Гувоҳнома нусхаси
- 8) Балансида ёки ёлланма автотранспортлар рўйхати бўйича маълумотнома (тех. Паспорт нусхалари, балансида мавжуд бўлмаса ижара шартномаси нусхаси, ёқилғи сарфи) Агар етказиб бериш мажбурияти булса.

2-шакл

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____ Санаси:

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, _____ МЧЖ:

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас.
 - судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас.
 - Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини;
 - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона руйхати (<http://xarid.uz/unfairexecutor>) мавжуд эмаслигимизни кафолатлаймиз.

МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари

имзо /myxр

Ф.И.О.

МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) бош ҳисобчиси

ИМЗО

Ф.И.О.

МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) юристи

ИМЗО

Ф.И.О.

3-шакп

Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номланиши
2	Рўйхатга олиш ҳақидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олувчи орган номланиши)
3	Юридик манзили
4	Мулоқот учун телефон, факс, e-mail
5	Тўлиқ банк реквизитлари
6	Асосий фаолият турлари
7	Ходимлари сони
8	ИНН
9	ОКОНХ
10	ҚҚС тўловчи ёки тўловчи эмаслиги

1. ХОДИМЛАР ТҮГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Т/Р №	Эгаллаб турган лавозими	Ф.И.О.	Маълумоти (ўкув юрти, ихтиослики, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5
1				
2				

Асосий ходимлар

Т/Р №	Эгаллаб турган лавозими	Ф.И.О.	Маълумоти (ўкув юрти, ихтинослик, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5
1				
2				

МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари

имзо /мұхр

Ф.И.О.

Сана: 2022 йил «_____» _____.

ТАШКИЛОТЛАР БҮЙИЧА СҮНГГИ З ЙИЛ ДАВОМИДА ИШ ТАЖРИБАСИ

(тандов иштирокчиси номланиши)

Изоҳ: Ушбу шаклда иштирокчи асосий иш турлари (йириклилаштирилган ҳолда) кўрсатиши мумкин. Шаклда кўрсатилганмаълумотларни тасдиқлаш учун, шартнома нусхалари илова сўралиши мумкин.

МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари

имзо /мұхр

Ф.И.О.

Сана: 2022 йил « »

ИШТИРОКЧИННИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____ Санаси:

Буюртмачи номига
(коррупцияга йул қўймаслиги тўғрисида)

АРИЗА

_____ (таклиф қилинаётган хизмат турини кўрсатиш) танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ушбу ҳужжат билан уларнинг олингандигини тасдиқлаган ҳолда, _____ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ), танлов ҳужжатларига мувофиқ мазкур танловда иштирок этиш жараенида хар кандай куринишдаги коррупцион холатларга йул куймаймиз.

Биз танловларнинг шаффофт үтказилиши тарфдоримиз. Агар коррупция холатларга йул куйилса конуний чоралар қулланилишига розимиз.

Биз ушбу танловга тегишли маълумотларнинг танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлмаган шахсларга ёки ташкилотларга ошкор қилинмаслигини кафолатлаймиз.

Мулоқот учун телефон/факс: _____

Электрон почта: _____

Ф.И.О. _____ ИМЗО _____

Муҳр ўрни

Танлов шартларида белгиланган техник топшириқлар бўйича _____ МЧЖ
 (ЯТТ,ХК,ФХ) томонидан таклиф қилинаётган ишларнинг қиёсий жадвали
(машина-механизм турига қараб)

№	Бажарилиши керак бўлган ишларнинг кўрсаткичи	Иштирокчи таклиф этаётган кўрсаткич	Изоҳ
	<i>Танлов _____ (етказиб бериладиган маҳсулотнинг номланиши)</i>		
1			
2			
3			

_____ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари

имзо /мухр

Ф.И.О.

Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

Иштирокчиларни танловда иштирок этиш учун танлаш тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан танлов бошланишидан аввал амалга оширилади. Талаб қилинаётган маълумот иштирокчи томонидан тақдим қилинмаган бўлса, танлов комиссияси уни танловда иштирок этишига рухсат бермасликка ҳақли.

1. Бирламчи малакавий баҳолаш мезонлари.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	1-шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
2	Иштирокчининг қайта ташкил қилиш, тугаллаш ёки банкротлик ҳолатида эмаслиги(2-шакл)	Ҳа / Йўқ (иштирокчининг кафолат хати асосида берилади)	Ҳа, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
3	Буюртмачи билан судда ёки ҳакамлик судида тортишув босқичида бўлган иштирокчи (2-шакл)	Ҳа / Йўқ (иштирокчининг кафолат хати асосида берилади)	Ҳа, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
4	Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини керакли тарзда бажарилиши	Бажарган / Бажармаган (иштирокчининг кафолат хати асосида ҳамда ўрганишлар натижаси бўйича)	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл)	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
6	Танлов иштирокчиси иш тажрибаси етарлилиги (4-шакл)	Етарли / Етарли эмас	Етарли эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.
7	Иштирокчи Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатида қайд қилинган	Қайд қилинган / Қайд қилинмаган (xarid.uz сайтидан аниқланади)	Қайд қилинган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
8	Иштирокчи Балансида мавжуд машина-механизмлар рўйхати бўйича маълумотнома (тех. Паспорт нусхалари, балансида мавжуд бўлмаса ижара шартномаси нусхаси, ёқилғи сарфи)	Етарли / Етарли эмас	Етарли эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.

2. Таклифларни техник баҳолаш.

Танлов комиссияси томонидан техник қисм ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Техник баҳолашга кўра, муваффақиятсиз бўлган танлов иштирокчиларининг таклифлари бекор қилинади.

Техник баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	5-илова бўйича техник таклиф мавжудлиги	Мавжуд / Мавжуд эмас	Мавжуд эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.
2	Техникхусусиятларнлов шартларида белгиланган талабларга жавоб берishi (5-иловаасосида)	Бажарилган / Бажарилмаган	Мавжуд эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.
3	Танлов иштирокчиси иш тажрибаси етарлилиги (4-шакл)	Ҳа /Йўқ(iштирокчин инг маълумоти ва руйхатдан ўтган гувоҳнома асосида)	Йўқ, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли
4	Иштирокчининг лицензияси мавжудлиги <i>(Лицензия талаб қилинадиган фаолият бўлса)</i>	Бор /Йўқ	Йўқ, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	Ишни бажариш муддати	Бажарилган / Бажарилмаган	Мавжуд эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.

3. Таклифларнинг нархга оид баҳоси

Танлов комиссияси томонидан нархга оид қисм ҳужжатлари асосида техник баҳолаш ўtkазилганидан сўнг амалга оширилади.

Нархга оид баҳо мезонлари

№	Мезон	Изоҳ
1	Энг кам нарх/қиймат энг юқори балл билан баҳоланади. Энг юқори нарх/қиймат энг кичик балл билан баҳоланади.	
2	Тўлов шартлари (бўнак фоизи) <i>(Энг юқори балл энг кичик қийматли кўрсаткичга берилади)</i>	